



УМР ИБРАТИ

**ПРОФЕССОР КАМАЛБАЙ ПАЛЫМБЕТОВ -ТАНИҚЛИ
ФОЛЬКЛОРШУНОС ОЛИМ**

Қонисбай Юсупов

*Қорақалпоқ давлат университети
профессори, педагогика фанлари доктори*



Kalit so'zlar: фольклоршунос, dars jarayoni, o'qitish, epos, obraz, ijodi,

Ключевые слова: фольклорист, процесс урока, обучение, эпос, образ, творчество.

Key words: folklorist, the process of the lesson, training, epic character, creative work.

Илм аҳлининг ҳаёт йўлига назар ташланса, кимдир бу йўлга кутубхоналар орқали, кимдир амалий фаолияти натижасида кириб келгани кузатилади. Таниқли фольклоршунос олим, қорақалпоқ адабиётини ўқитиш бўйича методист Палымбетов Камалбай Сарсенбаевич айнан иккинчи тоифага мансуб зиёлилардан.

Қайд этиш жоизки, филология фанлари доктори, профессор Камалбай Палымбетовнинг салкам 40 йиллик фаолияти бевосита фольклоршунослик ва



адабиётшунослик, мактаб таълими, хусусан, қорақалпоқ тили ва адабиётини ўқитиши муаммолари билан боғлиқликда кечди.

Палымбетов Камалбай Сарсенбаевич, 1965-йил 3-майда Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шахрида таваллуд топган. 1972–1982-йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шахридаги 18-сон ўрта мактабда таҳсил олган. 1985-йилда Нукус давлат университетининг Филология факультети Қорақалпоқ тили ва адабиёти факультетининг сиртқи бўлимига ўқишга кириб, 1991-йилда тугатган. Университетда таълим олаётган даврида (1985–1991-йилларда) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиалининг Тарих, тил ва адабиёт институтининг “Қорақалпоқ фольклори” бўлимида катта лаборант вазифасида фаолият олиб борган. 1991–1994-йилларда Қорақалпоқ давлат университетининг “Қорақалпоқ фольклори” лабораториясида илмий ходим бўлиб ишлаган. 1994–1997-йилларда Ўзбекистон-Туркия хамкорлигидаги Нукус лицейида, 1997–2001-йилларда Нукус педагогик колледжида Қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси лавозимида фаолият олиб борган. 2001–2017-йиллари К.Убайдуллаев номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида Тил ва адабиёт кафедраси мудири, Маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор лавозимларида ишлаган. 2017–2018-йиллари Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг «Илмий-тадқиқот ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш» бўлими бошлиғи, 2018–2021-йиллари Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази “Тилларни ўқитиши методикаси” кафедрасида доцент лавозимида ўз фаолиятини давом эттирган. 2022-йил 4-январдан буён Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот



институти “Қорақалпоқ фольклори” бўлими етакчи илмий ходими, профессор лавозимида ишламоқда.

Олим қизиқиши ва интилишларининг ифодаси унинг илмий фаолиятида ҳам бўй кўрсатди. Хусусан, Палымбетов Камалбай 1997-йили “Қўрқут ота китоби” ва қорақалпоқ фольклори” (қорақалпоқ достонлари мисолида) мавзусида 10.01.09 – фольклоршунослик ихтисослиги бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган ва филология фанлари номзоди илмий даражасини олган, 2012-йили ОАК томанидан доцент илмий унвони берилган. 2021-йил 19-апрелда ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида “Қорақалпоқ ҳалқ достони “Қоблан”нинг генезиси, типологияси ва поэтикаси” мавзусида филология фанлари докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва 2025-йили Ўзбекистон Республикаси ОАК томанидан профессор илмий унвони берилган.

У Қорақалпоқ давлат университети ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоқ ижтимоий фанлар илмий тадқиқот институти хузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгашлар аъзоси сифатида юксак малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Шунга қўра, Палымбетов Камалбай педагогик фаолияти давомида олий малакали илмий кадрлар тайёрлаш, филология йўналиши бўйича ўзига хос мактаб шакллантириди, десак муболаға бўлмайди. Унинг фаоллиги қорақалпоқ тили ва адабиётидан малакали кадрларни тайёрлаш ҳамда қорақалпоқ филологияси мактабининг ривожланишига асос бўлди.

Хозирги кунда Камалбай Палымбетовнинг илмий раҳбарлигида 6 нафар (PhD) мустақил изланувчи ва 4 нафар таянч докторант илмий изланишлар олиб бормоқда. Унинг бир қатор шогирдлари, жумладан 3 нафари илмий даража олган. 2 нафар шогирдининг иши ОАК га ҳимоя учун элонга юборилган.



К.Палымбетов Қорақалпоқ давлат университети филология факультети хузуридаги “Қорақалпоқ фольклори” лабораториясида таникли фольклоршунос олим, лаборатория бошлиғи профессор Қ.Мақсетов билан лабораторияда илмий ходим бўлиб ишлаган даврида 1991-1994-йиллари талабаларни республика туманларига фольклор амалиётига олиб чиқиб, ҳалқ оғзаки материалларини йиғишда бевосита иштироқ этиб борди. Йифилган материалларни таҳлил ва таҳрир қилиб, бир тизимга солиб, қорақалпоқ фольклорида ҳали чоп қилинмаган ҳалқ оғзаки намуналарини Қ.Мақсетов билан нашрга тайёрлади. Натижада илк маротаба “Қарақалпак жаңылтпашлары” (1993), “Қарақалпақ дәстүр қосықлары” (1997) китоблари чоп қилинди. Ушбу тўпломларда қорақалпоқ тез айтишлари ва ҳали нашр қилинмаган келин салом, ҳаўжар (ёр-ёр), сыңсыў, йўқлов намуналари илк маротаба нашр қилинди. Нашр қилинган тўпломлар миллий меросларимизнинг сақланиб қолишида ва фольклоршунослик илми учун катта аҳамиятга эга бўлди. Ушбу йиллари “Қарақалпақ халық муҳаббат қосықлары” тўпломи ҳам нашрга тайёрланди, лекин босмохоналардаги қоғознинг йўқлиги, оғир шароит туфайли тайёрланган намуналар нашр қилинмай қалди. Лекин, К.Палымбетов устози Қ.Максетов билан тайёрланган тўпломнинг илм учун ҳам, ҳалқ учун ҳам аҳамиятини тушуниб, ушбу фольклор намуналарини “Муҳаббат қосықлары” номи билан (Ташкент, “Ziyo nashr”, 2020) чоп эттирди.

Олимнинг “Ádebiyatti oqıtıw metodikası” (2009), “Qorqıt ata kitabı hám qaraqalpaq dástanları” (2010), “Balalar ádebiyatı” (2012), “Diktantlar hám bayanlar toplamı (5-9-klaslar)” (2014), “XX ásır qaraqalpaq poeziyası antologiyası. I-tom” (2018), “Qaraqalpaq ádebiyatı (10 sınıf ushın darslik)” (2017), “Ádebiyat (6 sınıf ushın darslik)” (2017), “Ádebiyat (8 sınıf uchun darslik)” (2019), “Professor Q.Maqsetovtiń ómiri hám dóretiwshilik xızmetleri tuwralı ilimiyy



ocherk” (2019), “Qaraqalpaq tili. 5-7-klass (Kórsetpeli-universal qollanba). I kitap” (2021), “Qaraqalpaq tili. 8-11-klass (Kórsetpeli-universal qollanba). II kitap” (2021), “Qaraqalpaq xalıq dástanı «Qoblan» (Genezisi hám tipologiyası)” (2020), “Qaraqalpaq xalıq isenim ırımları” (2023), “«Qoblan» dástanınıń kórkemligi” (2024) каби монография, дарслык ва ўкув қўлланмаларида узлуксиз адабий таълим жараёнини ташкил этиш, синфдан ташқари ўқиш ва мустақил ишларни уюштириш, таълим олувчиларнинг бадиий-естетик тафаккурини ўстириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш каби адабий-назарий, методик ва ахлоқий муаммолар ўз ифодасини топган.

Камалбай Палымбетовни Қорақалпоғистон Республикаси миёсида илмий йўналишдаги ишларнинг фаол қатнашчиси сифатида таърифлаш мумкин. У “Қорақалпоқ адабиётини ўрганиш ва ўқитишнинг долзарб масалалари”, “Ҳозирги филология фанининг долзарб масалалари” йўналишида доимий тарзда ташкил этиладиган илмий-назарий ва амалий конференциялар да маъruzалари билан фаол иштироқ этиб келмоқда.

Олим Россия, Америка, Франция, Малайзия, Туркия каби хорижий давлатлардаги нуфузли журналларда мақолаларини чоп эттириб келмоқда ва халқаро илмий-назарий ва амалий конференцияларда илмий мақолалари билан мунтазам равишда иштироқ этиб келади.

Ўкув жараёнини методик жиҳатдан таъминлашда Камалбай Палымбетов томонидан 4 та монография, 4 та дарслык, 5 та ўкув-методик қўлланма, 1 адабиёт хрестоматияси, 3 та қорақалпоқ фольклори намуналари тўпломи, 3 та рисола ҳамда 150 дан зиёд мақолалар нашр этилган.

Ёшларни ўзига эргаштира олиш қобилиятига эга устоз мунтазам маънавият ва ахлоқ-одоб тўғрисида турли хил сухбатлар ўтказиб келади.



Камалбай Палымбетов кўп йиллик самарали педагогик фаолияти ва ўқув-тарбиявий жараённи такомиллаштиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, фандаги ютуқлари ва илмий-тадқиқот ишларидаги фаоллиги учун 2004-йили Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси, 2009-йили Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими аълочиси кўкрак нишони билан, 2008-йили Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланган. 2011-йили “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил”, 2017-йили “Ўзбекистон Конституциясига 25 йил” эсдалик нишонлари билан мукофотланган.

Камалбай Палымбетов Республикамиздаги ОАК эътироф этган “Адабий мерос”. “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими ахборотномаси”, “Фан ва жамият” каби илмий ва илмий-методик журналларининг таҳрир ҳайъати азоси ҳисобланади.

Камалбай Палымбетов ўзи фаолият юритаётган институти жамоасида катта обрў-эътиборга эга бўлиб, самарали илмий ва педагогик фаолият олиб боради. У айни пайтда қорақалпоқ халқ маросим фольклори бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда.

Биз кичик бир мақола доирасида Камалбай Палымбетов шахсияти ва фаолиятини белгиловчи айрим чизгилар билан чекландик. Муборак 60 ёшини нишонлаётган, таниқли фольклоршунос олимга илм беришдек мashaққатли ишни зиммасига олган, юксак малакали мутахассислар тайёрлашдек замонга ҳамнафас олимга келгусидаги ишларига улкан ижодий парвозлар, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Adabiyotlar:

- Палымбетов К.С. «Қорқыт ата китабы» ҳэм қарақалпақ дәстанлары (Монография). – Нөкис: Билим, 2010, 126 б.



2. Палымбетов К.С. Қарақалпақ халық дәстаны «Қоблан» (генезиси ҳәм типологиясы) (Монография). – Нөкис: Билим, 2020, 126 б.
3. Палымбетов К.С. Қарақалпақ халық исеним ырымлары (Монография). – Нөкис: Билим, 2023, 126 б.
4. «Қоблан» дәстанының көркемлиги (Монография) – Нөкис: Билим, 2024, 126 б.
5. Palımbetov K., Pirniyazov I., Berdimuratova R. Ádebiyattı oqıtıw metodikası (8-klass ushın metodikalıq qollanba). – Nókis: Hamidov N.H., 2009. 12,75 b/t.
6. Palımbetov K. «Qorqıt ata kitabı hám qaraqalpaq dástanları (Monografiya). – Nókis: Bilim, 2010. 8,0 b/t.
7. Palımbetov K., Bekbergenova Z. Balalar ádebiyatı (Kásip-óner kolledjleri ushın sabaqlıq). – Nókis: Bilim, 2012. 16,0 b/t.
8. Palımbetov K., Berdimuratova R. Diktantlar hám bayanlar toplamı (5-9-klaslar). – Nókis: Bilim, 2014. 7,25 b/t.
9. Palımbetov K., Bekbergenova Z., Bayniyazova T., Nuratdinova G. XX ásır qaraqalpaq poeziyası antologiyası. I-tom. – Nókis: Bilim, 2018. 10,0 b/t.
10. Mámbetov K., Palımbetov K. Qaraqalpaq ádebiyatı (10 sınıf ushın darslik). – Nókis: Bilim, 2017. 16 b/t.
11. Allashov P., Palımbetov K. Ádebiyat (6 sınıf ushın darslik). – Nókis: Bilim, 2017. 16 b/t.
12. Mámbetov K.,Palımbetov K. Ádebiyat (8 sınıf uchun darslik). – Nókis: Bilim, 2019. 22,5 b/t.
13. Palımbetov K., Tobanazarov A. Qaraqalpaq tili. 5-7-klass (Kórsetpeli-universal qollanba). I kitap. – Nókis: Jeti ıqlım, 2021. 16,0 b/t.



14. Palımbetov K., Tobanazarov A. Qaraqalpaq tili. 8-11-klass (Kórsetpeli-universal qollanba).II kitap. – Nókis: Jeti ıqlım, 2021. 18,75 b/t.
15. Palımbetov K. Narodnie sueveriya, svyazannie s jivotnimi (na primere karakalpaskogo folkloru) // Journal «The scientific heritage». №90 (90), (2022). Budapest, Hundai, 2022. – P.92-95.
16. Palımbetov K. Balaǵa isim qoyıw menen baylanıshı ırımlar (Qaraqalpaq xalıq dástanları misalında) // Internauka. Nauchnyj jurnal. №37 (260), oktyabr, Chast. Moskva, 2022 g., ISSN 2687-0142. – C.54-56.
17. Palımbetov K. Haywanat hám quslarg'a baylanıshı qaraqalpaq xalıq ırımları // XXI International Scientific and Practical Conference «Actual priorities of modern science, education and practice». May - 31-03 June, Paris, France, 2022. – P.646-652.
18. Palımbetov K. Irım-tiyimlar - folkloranıw iliminiń bir janrı sıpatında // ÓzRIAQQB Xabarshısı. – Nókis, 2023, № 1 (270). B.127-130.
19. Palımbetov K. Irım-tiyimlardiń mánilik strukturalıq ózgesheligi // ÓzRIAQQB Xabarshısı. – Nókis, 2023, № 3 (272). – B.117-119.
20. Palımbetov K. Cueveriya i primeti, svyazannie s uxodom za detmi u karakalpaskogo naroda (na osnove folkloro-etnograficheskix materialov) // Central Asian journal of literature, philosophy and culture. Volume: 04. Issue: 06. June 2023. P.40-46.
21. Palımbetov K. Qaraqalpaq dástanlarında hámiledar hayallardiń jerik ası menen baylanıshı isenim ırımlar // ÓzRIAQQB Qaraqalpaq gumanitar ilimler ilim-izertlew instituti “Qaraqalpaq filologiyasınıń máseleleri ilimiy seminar. Maqalalar toplamı. Nókis, “Ilim”, 2023. – B.18-21.



22. Palimbetov K. “Qoblan” dástanınıń qaraqalpaq hám qazaq versiyalarındaǵı ayırım motivler tipologiyası // Alisher Navoiy nomidagi Tashkent Davlat O‘zbek tili va adabiyoti universiteti « O‘zbek folklori va shevalari tadqiqotlari: Amaliyat, metodologiya, yangicha yondashuv» mavzusidagi ilmiy-nazariy koferenciya materiallari. 2023, 20 may. – B.429-432.
23. Palimbetov K. Qaraqalpaq xalıq dástanlarında ırım hám isenimler // Ilim hám jámiyet. – Nókis, 2023. 2-san. – B.115-117.
24. Palimbetov K. Tasqa baylanıslı isenimler // Ilim hám jámiyet. – Nókis, 2023, 3-san. 1-sseriya. – B.107-109.
25. Palimbetov K. Markaziy Osiyo madaniy meroslsri: etno-eposlar, xalqlar va tarixiy shaxslar // «Xorazm – Markaziy Osiyo sivilizatsiyası tizimida» mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari. Urganch, 2023, 27-29-aprel. – B.233-240.
26. Palimbetov K. “Qoblan” dástanınıń versiya hám variantlarınıń areal-aymaqlıq ózgeshelikleri // ÓzRIAQQB Xabarshısı. – Nókis, 2024, №1(274). – B.102-105.
27. Palimbetov K. Qaraqalpaq xalıq dástúr folklorınıń payda bolıw derekleri hám janrılıq ózgesheligi // ÓzRIAQQB Xabarshısı. – Nókis, 2024, №2(275). – B.89-91.
28. Palimbetov K. Features of Karakalpak folk rituals songs // American journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education. Volume 02, Issue 06, 2024 ISSN (E): 2993-2769. – R.182-186.
29. Xoshniyazov J., Palimbetov K. Maqsetov mektebi (Professor Q.Maqsetovtın ómiri hám dóretiwshilik xızmetleri tuwralı ilmiy ocherk). – Nókis: Ilim, 2019. 6 b/t.